



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 16 ноябрь, № 221 (5136)

Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 ноябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг (ЕИ) тараққиёт бўйича комиссари Андрис Пиебалгс раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Бугун биз Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳаётнинг ўзи икки томонлама манфаатли конструктив ҳамкорлик учун зарур шароит яратиш масаласини кун тартибига қўйишни тақозо этмоқда, — деди Ислам Каримов.

Ўз навбатида, Европа Иттифоқининг тараққиёт бўйича комиссари самимий қабул учун Ўзбекистон

Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, Бирлашган Европа Ўзбекистон билан сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг йигирма йил давомида босиб ўтган тараққиёт йўли, жумладан, глобал иқтисодий инқироз даврида иқтисодиётнинг барқарор ўсиши бизни хайратга солади. Сизнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузангиз билан танишиб чиқишга муяссар бўлдим. Сизнинг демократия — бу барқарорлик, вазиятнинг барқарорлигидир, деган фикрингизга тўла

қўшиламан. Демократия муттасил ривожланиб борадиган жараён. Бу масалада универсал рецептлар йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон жанубида рўй берган воқеаларга вазирилик ва донолик билан муносабатда бўлганингиз, шунингдек, Афғонистонни иқтисодий-иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз учун Сизга чуккур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз, — деди Андрис Пиебалгс.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида кўплаб соҳаларда ривожланиб бормоқда. Ушбу битимга

биндан бир неча «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» қўшма органи — Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламент ҳамкорлиги қўмитаси, Савдо ва сармоялар бўйича қўшма қўмитаси, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва турдош масалалар бўйича қўшма қўмитаси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, илмий-техникавий, таълим, маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик бўйича биргаликда лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасида турли соҳалардаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият

берилмоқда. Ўзaro товар айирбошлаш ҳажми ва Европа сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони ошиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Хусусан, Европа Иттифоқи ишбилармон доиралари «Навой» эркин-индустриал иқтисодий зонасининг сармоявий салоҳиятига катта қизиқиш билдиришмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзaro ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).
Сарвар ҲУСНОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига энг кам: иш ҳақи — ойига 49 735 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 97 285 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 49 735 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 97 285 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 59 690 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,1 баравар оширилиши уларнинг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун мuddатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидига корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 ноябрь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хоржий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотухи! Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан гоят мамнунам.

Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ субҳонаху ва таолодан Сиз, Жаноби Олийларига сihat-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва файзу барақа, бутун ислом умматига эса фаровонлик ва осойишталик ато этишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ОЛ САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Америка халқи номидан камина ва рафиқам Мишель Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига ўзимизнинг энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Ишончим комилки, Қурбон ҳайити ўзида мўжассам этган руҳий кўтаринкилик, ихлос ва қўрбонликни инсонлар ўзаро баҳам кўрар эканлар, меҳру муҳаббат ва бегаразлик асосида башариятнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатларни давом эттирадиганлар.

Сизга ва Ўзбекистон халқига келаётган йилда муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Шунингдек,
Миср Араб Республикаси Президенти Мухаммад Хусний МУБОРАК;
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Халифа бин Зоид ОЛ НАХАЁН;
Қувайт Давлати Амири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир АС-САБОХ;
Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчи бин АЛ-ҲУСАЙН;
Яман Республикаси Президенти Али Абдуллоҳ СОЛИХ;
Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом АЛИЕВ;
Туркманистон Президенти Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ;
Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон НАЗАРБЕКОВ;
Тожикистон Республикаси Президенти Имомали РАҲМОН;
Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси Махмуд АББОС;
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Мудофиа ва авиация вазири, Бош назоратчи Султон бин Абдулазиз ОЛ САУД;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги Ҳокими Шайх Мухаммад бин Рошид ОЛ МАКТУМ;

МДҲ Динлараро кенгаши ҳаёраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх-ул-ислом Аллоҳшукр ПОШШОЗОДА томонидан йўлланган табрикларда Қодир Аллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Табриklar келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Бизни муштарак қадриятлар, бой тарихий ва маданий мерос бирлаштириб турган қардош Ўзбекистонга расмий ташрифим вақтида менга ва делегациямиз аъзоларига нисбатан кўрсатилган алоҳида эътибор ва меҳмондўстлик учун Сизга яна бир бор чуккур миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Ўзгал мамлакатингизга расмий ташрифим давомида ўтказилган самимий учрашувлар ва музокара-ларимиз, имзоланган Қўшма баёнот ва бошқа ҳужжатлар Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлики янги босқичда ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонман. Кейинги йиллардаги ўзаро ташрифларимиз мамлакатларимиз ва

халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожидида муҳим воқеа, деб ҳисоблайман.

Ишонч билдириб айтаманки, ташрифим чоғида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият марказининг очилиши мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлики янада юксак даражага кўтариш ишига ўз хиссасини қўшади.

Озарбойжон икки томонлама асосда ҳам, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар даражасида ҳам Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида аҳамият беради. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги дўстлик ва ҳамкорликини ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз иқтисодий

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотухи!

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуг айдём — Қурбон ҳайити билан муқаддас заминда ҳаж ибодатини бажариб юрган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин бажо келтириш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб бериладиган қулай имкониятлар

Сизнинг халқимизга бўлган оталарча ғамхўрлигингиз намунаси.

Мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятларга, бағрикенглик тамойилларига кўрсатилган алоҳида эътибор ва эҳтирмингиз тўғрисидаги юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қадамжолари оёбод этилиб, уларга янгича салобат бахш этилиши, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар юртдошларимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

масалалардаги ҳамкорлигимизни ҳам сиёсий соҳада бўлгани каби юксак даражага кўтариш имконини беради.

Мен Арманистон — Озарбойжон, Тоғли Қорабоғ моҳаросини халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида бартараф этиш ишида Ўзбекистоннинг қатъий принципиал позицияси ва маданий юксак қадрлайман. Хар иккала қардош мамлакат — Озарбойжон ва Ўзбекистон халқаро ташкилотларда стратегик шериклар сифатида бундан буён ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаётганига шак-шубҳа қилмайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи муқаррама, Мадинаи мунаввара каби табаррук ерларда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамisha омон, элимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Сизга, мухтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз дийёримизни ҳамisha ўз панохида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Ўзбекистон ҳожилари номидан
муфтий У. АЛИМОВ.

Мақка шаҳри, Арафот водийси,
2010 йил 15 ноябрь

МУБОРАК АЙЁМ СУРУРИ

Бизнинг ўз аъналаримиз, қадриятларимиз, асрлар оша яшаб келаётган маросимларимиз, байрамларимиз бор. Шулардан бири Қурбон ҳайити, десак, муболага эмас. Чунки бу байрам ўзининг пок гоғларин, эзгуликка, меҳр-муруватга йўғрилгани билан бетақдор, инсон руҳини, қалбини юксак-юксакларга кўтариши билан табаррук, гўзал ахлоқ ва оқибат билан яшашига даъват этиши ила беҳад мўтабардир.

— Илгари бундай кунларни ҳам ҳаяжон, ҳам кўркүз билан ўтказар эдик. — дейди филология фанлари номзоди, тил-

шунос олим Зиёдулла Хамидов. — Биз бу байрамни тор доирада, кўпам овоза қилмай нишонлардик, болаларга

ҳайитлик бериб, сўнг ҳадикасидо юрганимизни эсласам, халигача ўртаниб кетаман. Энди-чи? Шу кунларга етказ-

ганига шукрона айтаемиз. Хотиржам, тинч-тотув, фаровон кунларимиздан беҳад миннатдор бўлишимиз, муҳими, бу бебаҳо неъматларни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашимиз хар биримизга ҳам қара, ҳам фара, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, умрбоқий диний байрамнинг юртимиздаги омонлиги, саодати, камоли мустабид тузум давридаёқ

Президентимизнинг 1991 йил 20 июндаги «Қурбон ҳайити» диний байрамини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони билан тикланган эди. Шундан буён нафақат Қурбон ҳайити байрами, балки азалий анъана ва урф-одатлар, қадриятларимиз маънавий меросимиз дурдоналари сифатида хар томонлама ғамхўрлик, қўллаб-қувватлов, рағбат ва эътибор кўрмоқда.

(Давоми 4-бетда)

Кундалик турмушимизни транспорт воситаларисиз тасавур этиб бўлмайди. Зеро, автомобиль транспорти одамларнинг узогини ақин, оғирини енгил қиладиган энг мақбул воситага айланган улгурди. Аини пайтда эса автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, юз бераётган транспорт

ҳодисаларининг оқибатларига эътиборни қўйишни тақозо қилмоқда. Интернет манбаларидан келтирилишича, дунё бўйича йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳар йили 1,5 миллион киши ҳаётдан кўз юмаётди, яна миллионлаб одамлар бир умрга ногирон бўлиб қолимоқда. Бу ҳар биримиз, аниққисса, соҳа мутасаддиларидан ушбу масалага жиддий ёндашишни талаб этади.

103 та уюшма ва хусусий корхоналар мавжуд бўлиб, улар 312 та йўналиш бўйича аҳолига пуллик транспорт хизматларини кўрсатаётди. Бироқ ушбу корхоналарда иш юритишнинг яхши йўлга қўйилмагани, яъни ҳайдовчилар иш вақти ва тартибини назоратга олиш тадбирлари талаб даражасида эмаслиги, уларнинг шат бириккани билан тўлиқ таъминланмаганига аён бўлди. Вилоятда фойдаланиётган автобус ва микроавтобусларнинг аксариятини бутунлай янгилаш лозим. Жумладан, чет элда ишлаб чиқарилган, шаҳарлараро йўловчи ташишда фойдаланилаётган 118 та ҳар хил русумдаги автобуснинг ишлаб чиқарилганига 10 йилдан, "Мерседес-Бенц" русумли автобусларнинг 82 фоизи ишлаб чиқарилганига 20 йилдан ошган.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни
ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган 28-сессиясида "Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида"ги Декларация қабул қилинган эди. Шундан буён мазкур сана Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонлаб келинади. Ундан қўзланган мақсад дунё халқларини бағрикенгликка, тинчликни асраб-авайлаш ва социал-иқтисодий фаровонликка эришишга чақиртирди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ижро масъулияти

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли қонунчилик асослари яратилган. Хусусан, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилмоқда. Албатта, ҳар бир қонун самарали ва сўзсиз ижро этилиши билангина кучли ҳисобланади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мазкур ҳужжатнинг жойлардаги ижросини парламент назоратида олган. Хусусан, қўмита яқинда Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижросини назорат фаолияти тартибда ўрганиб, унинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан ўтказилган қўша йиғилишида атрофида муҳокама қилди. Мазлумки, Қонуннинг 4-моддасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси, Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги, махсус органларнинг вилоятда-

ги бошқарма ва бўлимлари томонидан ушбу Қонун мезъорлари тўла-тўқис бажарилиши юзасидан тегишли ишлар амалга ошириляётди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссияси тuzилган бўлиб, унинг иш режасига мувофиқ, вилоятда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича турли тадбирлар ўтказилаяпти.

Парламент назорати

Умуман, мамлакатимизда амалга ошириляётган ишларнинг самараси ўлароқ, одамларнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланиб бормоқда. Бунинг Қашқадарё вилоятида сўнгги йилларда автомобиль транспорти сони мунтазам кўпайиб бораётгани мисолида ҳам қўриш мумкин. Чунончи, шахсий фойдаланишдаги автомобиллар сони 2000 йилдагига нисбатан 74,1 фоизга кўпайган. Аини пайтда улар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатида олиниб, мунтазам мажбурий техник кўрикдан ўтказиб боришмоқда. Йўл-патруль хизматлари, автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан эса шаҳарлараро қатновчи транспорт воситалари ҳайдов-

чиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиши ҳолати мунтазам кузатилиб, уларнинг автомобилни бошқаришга лаёқати текшириб боришмоқда.

Бу каби профилактик тадбирлар самараси ўлароқ, 2010 йил биринчи ярим йиллигида йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бирмунча камрайдиги ҳисобланади. Мисалан, транспорт ҳодисалари оқибатида ўлим ҳолати 41,8 фоизга, жароҳатланганлар сони 9,9 фоизга пасайди.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ижросини ўрганиш давомида, шунингдек, унда белгиланган норма ва қоидаларни бажаришда айрим камчилик ҳамда нуқсонларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди. Хусусан, автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этиш ишларини тақомиллаштириш, ҳайдовчилар, умуман, аҳоли ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари кўламини янада кенгайтириш талаб этилмоқда. Шу билан бирга, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимининг вилоят бошқармаси моддий-техника базасини бундан-да мустақамлаш борасида чоралар кўриш зарур.

Тахлилларимиз давомида шу нарса аниқландики, вилоятда 2010 йилнинг ярим йиллик ҳолатига кўра, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК

юртимиздаги тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг гарови бўлмоқда

Толерантлик, яъни бағрикенглик дунёдаги турфа маданиятлар, мустиқлик фикр ва инсоннинг индивидуал хусусиятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни тушуниш демокдир. Бундай уйғунлик нафақат ахлоқий бурч, балки сиёсий ва ҳуқуқий зарурат ҳамдир. Адабиётларда ҳам ушбу хислатга башариёт маданиятининг турфа шакл ва ранг-баранглиги, яшаш тарзи, эътиқодини тан олиш, ўзаро тенгликни таъминлаш, уларни ҳурмат қилиш, деяр таъриф берилди. Бағрикенгликнинг инсоният цивилизацияси асосларидан бири дейилишининг боиси ҳам шу аслида.

Айниқса, бугунги глобаллашув даврида бағрикенгликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Зеро, интеграциялашув жараёни тобора дўстона даврда ўзаро дўстона муносабатлар ва ҳамжихатлик тараққий қўққиларини заёт этишда жуда муҳим саналади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган миллий сиёсат ўз самаларини бермоқда. Бу сиёсат моҳиятан бағрикенглик тамойилларига асосланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мазкур жиҳатлар ўз ифодасини топган. Хусусан, унинг 8-моддасида "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади" деб қайд этилган бўлса, 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

Ушбу эътиборларнинг натижасида 1992 йил январда республика Байналмилал маданият маркази (РБММ) ташкил этилди. У фуқароларнинг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада мустақамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ташкил этилаётган кўпбадирлар, концерт дастурлари, кечалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, конференциялар шулар жумласидандир. Масалан, ҳар йили энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустиқхиллик байрамимиз марказимиз бошчилигида миллий маданий марказлар билан биргаликда катта тантана қилинади. Турли миллат ва элатларнинг минглаб вакиллари ўз иштироки билан ушбу тадбирларга янада фойз бағишляйди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган санага бағишлаб ҳамда Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан илмий-амалий конферен-

циялар, учрашувлар ўтказиб келинаётди. Шу ўринда маданият кунлари, декадалари, миллий байрамларни ўтказиш ҳамда ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, корейсча Соллар ва Оволь Тано, уйғурча Сайл, хитойча Янги йил — Чунце каби айёмларни нишонлаш жойларда одатга айланган.

Бунёдкорлик

Қораўзак туманидаги "Есим" каналини капитал реконструкция қилиш ва сув сатҳини бир маромда сақловчи гидроншоот барпо этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Сув таъминоти яхшиланади

"Бунёдкор-мерос" масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан амалга ошириляётган мазкур курилиш ишларига 2 миллиард 976 миллион сўм маблағ ажратилди. Гидроншоот ишга туширилиши билан тумандаги фермер ҳўжалиқларига қарши экин ерларини сув билан таъминлаш анча яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 16 ноябрдан бошлаб валюталар операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмига нисбатан қўшадаги қийматини белгилайди.*

1 Австралия доллари	1603,90
1 Англия фунт стерлинги	2626,51
1 Дания кронаси	299,23
1 БАА дирхами	444,14
1 АКШ доллари	1630,97
1 Миер фунти	283,75
1 Исландия кронаси	14,61
1 Канада доллари	1611,79
1 Ҳинг юани	245,64
1 Малайзия ринггити	520,91
1 Польша злотийси	567,29
1 СДР	2548,31
1 Туркия лираси	1135,85
1 Швейцария франки	1662,56
1 евро	2249,92
10 Жапония йорони	14,41
10 Юлбаи венгаси	197,17
1 Россия рубли	52,88
1 Украинна гривнаси	205,91

*) Валюта қийматини белгилаш чолида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг тақомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва самарасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда гап борди. Талабаларнинг малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган ушбу тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори А. Исмоилов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги кенг қўламли ислохотларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, моддий-техник базасини мустақамлаш, журналист кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиляётганини таъкидлади.

журналист кадрларини тайёрлаш, касб малакасини ошириш борасида илмий ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралда қабул қилинган "Журналист кадрлар тайёрлаш ва

2010 йил — Баркамол авлод йили

қайта тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, мазкур университетда халқаро журналистика факультети ташкил этилди. Ҳозир ушбу олий таълим даргоҳи ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеги журналистика факультетидеги оқибатли йиғит-қизлар таҳсил олмақда. Университетда олинган назарий билим амалиётда мустақамланади. Талабаларнинг ўқув-таншуш ва ишлаб чиқариш амалиёти давлат таълим стандартлари асосида олиб боришмоқда. Университет халқаро журналистика


Интилиш

Гулистон шаҳридаги мебель ва ҳўжалик моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Валиев Х.Б." корхонаси "Миллий банк" томонидан ажратилган 32 миллион 800 минг сўмлик кредит эвазига ўз фаолиятини кенгайтирди.

Йилига 232 миллион сўмлик тайёр маҳсулот

Янги қувватларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида йерда йилига 232 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Шуниси диққатга сазоворки, тижорат банклари томонидан вилоятда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 9 ойида 56 миллиард 900 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Анжир қадим-қадимдан инсонларга маълум. Археологларнинг маълумотларига қараганда, у палеолит давридан, яъни бундан 5000 йил бурун маданиятлаштирилган. Қадимги Грецияда унинг қўллаб навлари экилган ва ҳар бирининг ўз номи бўлган.

Анжир ёввойи ҳолда Кавказ, Крим ва Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятининг Хисор тоғларида ўсади. Республикаимизнинг Тошкент вилояти ва Фарғона водийсида анжирзорларнинг катта майдонлари мавжуд. У қаламча-

лар ва илдиз бачкилари билан кўпайтирилади. Бундан ташқари, анжирни шотутта пайванд қилиш ҳам мумкин.

Энди анжирнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталидиган бўлсак, унинг мевасию барги, ҳатто поя ва илдизига малаҳам ҳисобланади. Абу Али ибн Сино ўз даврида анжирни қувватли озуқа, деб ҳисоблагани бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, 100 грамм қурилган анжир меваси 214 ккал. энергия бергани учун инсон куч-қувватини жуда тез тикляйди. Шу билан бирга, бир донга анжир мевасида 2 грамм клетчатка бўлиб, у бизга кунига зарур бўлган қувватнинг 20 фоизини беради.

Анжирнинг илдизи, барглари ва меваларида, шунингдек, эфир мавий, алкалоидлар, кумаринлар,

йўллари, гастрит ҳамда колит касалликларини даволашда қўланилади.

Ибн Синонинг ёзишича, анжир барглари ва унинг хом меваси юздаги ҳар хил доғларни, сўғалларни кетказди, меваси истеъмол қилинса, юзни тинч-лаштиради, қайнатмаси ёки унинг оқ сuti эса турли яралар-

АНЖИР

қанд моддалари 48-57, куриганда 70 фоизгача мавжуд бўлса, унда ҳатто калий, В¹, В⁶, С, Е, РР витаминлари, фицин ва амилаза ҳам учрайдди. Гушл қайнаётган идишга 1-2 донга хом анжир солинса, унинг таркибидеги фицин ферменти гўштининг тез ва юшмоққ шийишига ёрдам беради.

Ўрта Осиё халқ табиотида анжир барги ва илдизининг қайнатмаси ошқозон-ичак касалликларида, меваси яраларни битиришда, камқонликда, унинг қайнатмаси буйрак ва сийдик

Табиат неъматлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номи Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан табиётта татбиқ қилинган. "Пособеран" ёрдамида инсон териси ультрабинарша нурлари билан нурлан-тирилганда эса, пигмент ҳосил қилиш жараёни кучаяди ва ундаги оқ доғларни йўқотади. Лекин шунинг унутмаслик керакики, ушбу препарат билан даволаниш врач назоратида олиб борилиши керак.

Анжир таркибиде мавжуд фицин ферменти тромбоземблик, калий ва қанд микдорининг қўлиги эса юрак-қон томир касалликларини даволашда асосқа, унинг қайнатмаси, мураббоси ва қуриган меваларининг толкини терлатувчи, иситмани пассиваирувчи хусусиятларга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, анжир қандли диабет, сурункали ичак касалликлари, подагра билан оғриган касалларга тавсия қилинмайди. Улар 2 ёки 3 донга анжир мевасини истеъмол қилиш билан қаноатланишлари лозим. Семиришни истаганлар эса қора анжирга бодом қўшиб, уни истаганча истеъмол қилишлари мумкин.

Кўриниб турибдики, анжир — ниҳоятда фойдали. Шу боис республикамизнинг барча ҳудудларида анжирзорларни янада кўпайтирсак, бу билан халқимиз дастурхонини тўқин қилишга, аҳоли саломатлигини янада яхшилашга ҳисса қўшган бўлаемиз.

А. НИҒМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номи Ўсимлик моддалари кимёси институти Шифобахш ўсимликлар лабораторияси мудири, биология фанлари номзоди.

Бозорнинг хафта давомидаги динамикаси

СУЮЛТ. ГАЗ	1679,9	▼ -359,4
ЦЕМЕНТ (пц400 д20)	188,2	▲ +1,8
УН биринчи нав	519,0	▼ -1,1
ОМИХТА ЕМ	223,0	▲ +13,5

Кантон ярмаркаси:

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР, МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

Яқинда Хитойнинг қадимий Гуанчжоу шаҳрида дунёдаги энг катта савдо кўргазма-ярмаркаларидан бири бўлиб ўтди. Кантон ярмаркаси деб номланган мазкур тадбирда 210 мамлакатдан 200 мингдан ортиқ ишлаб чиқарувчи тадбиркор ва савдогарлар қатнашди.

Гуанчжоу ҳақида икки оғиз сўз. Хитойлик тарихчиларнинг таъкидлашича, шаҳарга 2800 йил аввал асос солинган. Буюк Ипак йўлининг сув орқали ўтган қисми айнан Гуанчжоудан бошланган.

Ўзбекистон — Хитой савдо уйи ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, мана, бир неча йилдирки, Кантон ярмаркасида юртимиз тадбиркор ҳамда ишлаб чиқарувчилари иштирок этишида ташкилчилик қилмоқда.

давлатлардан бирига айланди. Бундай шароитда бунёдкорлик ривожланаверади, — дейди самарқандлик ишлаб чиқарувчи Раҳим Саидов. — Шунинг учун мен курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологиялар павильони-ни батафсил ўргандим.

Биз ва жаҳон

Кантон савдо кўргазма-ярмаркаси ҳар йили икки марта — баҳор ва кузда ўтказилади. 2008 йилда курилиб, фойдаланишга топширилган янги марказ туфайли унинг майдони 1,1 миллион квадрат метрга етди.

Ярмарка уч босқичда ўтди. Дастлаб маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологиялар, машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари, кейин халқ истеъмол товарлари ҳамда сўнгги босқичда тўқимачилик саноати, кийим-кечак, тиббиёт ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари намойиш этилди.

Даржаикат, бугунги ўзбек тадбиркорлари таваккалчи эмас, балки етти ўлчаб бир кесадиган биллимонлар эканлиги билан ажралиб туради. Юртимизда ташкил этилган тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган институтлар уларга самарали хизмат кўрсатмоқда.

Шубҳасиз, Гуанчжоу учрашувлари, тузилган шартномалар унинг иштирокчилари бўлган ўзбекистонлик тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар фаолияти ривожига ўзига хос самара беради.

Ҳомийлар кўмаги

Баркамол авлод йили муносабати билан Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасига қарашли воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази биноси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

40 ўринга мўлжалланган ушбу иншоотни таъмирлаш ишларига 200 миллион сўмлик қўлайликларга эга марказдаги бунёдкорлик

TRUBA ЗАВОДИ КК «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган) МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. HYUNDAI Official Partner www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11

Table with 4 columns: Model, Price, Change, and Fuel Consumption. Rows include: САНОАТ МОЙИ И-20А (2279,9 ▲ +1547,8), МОТОР МОЙИ М14 В2 (3254,9 ▲ +475,0), БЕНЗИН АИ-80 (1700,6 ▲ +65,3), ДИЗЕЛЬ ЕНИЛФИСИ (1854,0 ▼ -19,6).

Сардор ИСОНБАЕВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бўлим бошлиғи:

— Шу йилнинг август ойида Кантон ярмаркаси бош директори ўринбосари Лю Цзяньцзюн раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрган ва улар иштирокида Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бизнес-форум ўтказилган эди.

Кантон ярмаркаси доирасида халқаро алоқалар бўйича бош директор ўринбосари Лу Хун Чун хоним иштирокида Ўзбекистон — Хитой тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчиларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Мухоммадхон ОБИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Тошкент — Гуанчжоу — Тошкент ишлари, асосан, ҳомийлар маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Марказда воёга етмаган ёшларга таълим-тарбия бериш, улар бўш вақтларини маъмули ўтказишлари учун барча шароит яратилган.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Анджон шаҳрида Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциациясининг минтақавий филиали иш бошлаши муносабати билан тадбир уюштирилди.

Тадбир

Унда вилоятда фаолият юритаётган тижорат банклари ҳамда кредит уюшмалари вакиллари иштирок этди. Микромолиялаштириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишда катта аҳамият касб этади.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳалар қатори кредит уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилганини алоҳида қайд этдилар.

Шунингдек, Фаргона шаҳрида ҳам шундай тадбир ташкил этилиб, унда кредит уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, уларнинг молиявий салоҳиятини ошириш, миқозларга янада қулай шароитлар яратиш ҳақида сўз борди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сурункали ёмғир ва сув тошқинлари

Бельгияда давом этаётган сурункали ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди. Табиий офат ҳозиргача уч кишининг ҳаётига зомин бўлди. Тошқинлардан Эно провинциясидаги Сор-Сен-Жери қишлоғи, айниқса, жиддий талафот кўрган.

Қадимий гулдон баҳоси

Лондонда ташкил этилган кимощи савдоида қадимий гулдон 83 миллион АҚШ долларига сотилди. Хитойда ҳукмронлик қилган император Цянь Лун даврига тегишли буюмини ким харид қилгани ошкор этилмади.

Кунлик эҳтиёж ошмоқда

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) 2010 йилда «қора олтин»га бўлган кунлик эҳтиёж ошганини маълум қилди. Хусусан, жорий йил давомида унга бўлган талаб бир кеча-кундузда 1,6 фоизга ортган ва 85,78 миллион баррелга етган.

Тураржой биносида ёнғин

Жанубий Кореянинг Кенсан-Пукто музофотидаги тураржой биноларидан бирида ёнғин содир бўлди. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Меҳмонхонада портлаш

Мексиканинг Кинтана-Роо штатидаги меҳмонхонада портлаш содир бўлди. Оқибатда 7 киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг беш нафари канадалик, икки нафари эса маҳаллий аҳоли вакили эди.

«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi»ga 2011 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. Ахборотнома саҳифаларида: Ўзбекистон Республикаси қонунлари; Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари; хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари; чет эл арбитраж ва хўжалик судлари тажрибаси; қонуничилик амалиётида қўллашга оид етуқ ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг вилоят филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади! I. РКМБ Андижон вилояти филиалининг аукцион савдосига Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Избоскан тумани, Лўғумбек қишлоғида жойлашган. Қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежидеги умумий майдони 295,24 кв.м.дан иборат ошона биноси такроран қўйилмоқда.

Table with 4 columns: Model, Price, Change, and Fuel Consumption. Rows include: САНОАТ МОЙИ И-20А (2279,9 ▲ +1547,8), МОТОР МОЙИ М14 В2 (3254,9 ▲ +475,0), БЕНЗИН АИ-80 (1700,6 ▲ +65,3), ДИЗЕЛЬ ЕНИЛФИСИ (1854,0 ▼ -19,6).

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда олим ва шифокорлар, ўрта махсус тиббиёт ходимлари ҳамда ушбу йўналишда таълим олаётган талаба ёшлар қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қонунга мувофиқ, 2006 йил 12 сентябрдан буён мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яқинида тиббиёт ходимлари кўни сифатида кенг нишонланаётгани соҳа мутахассисларига кўрсатилаётган юксак эътиром рамзидир. Қолаверса, тиббиёт ходимларининг иш шартини янада яхшилаш, уларнинг малакасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Зеро, бугунги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, жойлардаги шифо масканларининг жаҳон андозлари даражасидаги тиббий асосуқналар билан таъминланиши, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги эзгу чора-тадбирлар фидойилик билан меҳнат қилаётган касб соҳибларига гуруҳ ва ифтихор бағишлаши, табиий.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар самардорлигини оширишда эса Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб эта-

ётди. Бугун юртимизнинг қарийб ҳар бир вилоятида «Она ва бола» скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тиббий масканлар замонавий жиҳозлар ва махсус автомашиналар билан тўлиқ таъминланган.

— Бундан ўн йил муқаддам хизмат юзасидан Буюк



Тадбир

Британияга бориб, у ердаги тиббий масканлар фаолияти билан яқиндан танишишимга тўғри келган эди, — дейди Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги қишлоқ врачлик пункти мудири Зулфия Ҳакимова. — Ушунда ушбу мамлакатдаги тиббий масканларнинг энг сўнгги усуқналар билан жиҳозланганини кўриб, ниҳоятда ҳавас қилгандим. Мана, кўп ўтмай, мамлакатимизнинг ҳатто энг чека қишлоқларидаги шифо масканлари ҳам ана шундай кулай шарт-шароитлар билан таъминланди. Ўзим фаолият юритаётган пункт, масалан, энг замонавий таъхис усуқналари билан тўлиқ жиҳозланган. Қишлоқ одамларининг энди шаҳар марказидаги шифохонга қатнаб овора бўлишларига ҳожат

йўқ. Бу ерда олий маълумотли умумий амалиёт врачлари ҳамда малакали тиббий ҳамширалар фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли орасида юқумли хасталикларнинг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасида амалий иш олиб бораётганига миз боис, бугун бизнинг таърибамиз республика бўйича намуна сифатида тилга олинмоқда. Буларнинг бари биз, тиббиёт ходимларининг иш шартини яхшилаш, малака ва таърибамизни оширишда юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар натижасидир.

Байрам тадбирида «Энг намунали КВП», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», «Энг яхши патронаж ҳамшираси» номинациялари бўйича республика кўркатилган олим ва шифокорларнинг номини эълон қилинди. Унга қўра, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Н. Боймухамедов номи қишлоқ врачлик пункти, пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 27-оилавий поликлиника, Қораз вилояти, Хива туманидаги Беруний номи қишлоқ врачлик пункти мудири Ҳалима Авезова, Жиззах вилояти, Пахтабўри тумани, Абдуҷабборов номидаги КВП ҳамшираси Камола Тоҳирова голиб деб топилди. Энг намунали КВПга «Дамас» русумли автомашина ҳамда бошқа совриндорларга қимматбахо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бинобарин, мамлакатимизда инсон манфаатлари изчил ва барқарор равишда таъминланмоқда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил қадам ташланмоқда. Фуқароларимизнинг виждон ҳамда эътиқод эркинлиги Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлангани туфай-

МУБОРАК АЙЁМ СУРУРИ

этса, шулар қаторида 66 нафар кекса онахону ота-хонларимизни ҳам хурсанд қилиб қайта-миз. Қувончлиси, ёшларини, ёшларини

миздан таркиб топган мадад гуруҳи ёлғиз яшаётган, қаровчиси йўқ 32 нафар фуқаро хонадонига бориб, астойдил хизмат қилишди. Ахир бу байрам ўзаро оқибат намойиши, инсонийлик ва эзгулик айёмидир.

Айни кунларда бутун юртимиз бўйлаб ёрдамга муҳтож кишилар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саҳоват уйларига моддий ёрдамлар кўрсатилиши давом этмоқда. — Қурбон ҳайити муносабати билан иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳ. Нормуродов. — Яқинда 50 нафар уруш ва меҳнат фахрийси Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бориб келишди. Табарруқ байрамнинг ҳосияти, авваламбор, меҳрда, оқибатда.


гармасининг Турақўрғон тумани бўлинмаси раиси Ҳабибулло Ўбайдуллаев. — Қўтлуг айём олдида хашар уюштириб, маҳаллалар худудидида кўча ва майдонларни саранжом ҳолатга келтирдик, зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар тозаланди. Айни чоғда мавжуд 64 та маҳалламиздаги кам таъминланган, серфарзанд оилаларга ҳомийларимиз ёрдамида совға-саломларни топширишга тайёргарлик кўраётимиз. Насиб

Дарҳақиқат, тинчлик-отирхамлик, меҳр-оқибат қарор топган, бунёдкорлик устувор бўлган мамлакатимизга байрамлар ярашади. Ишончимиз комилки, Қурбон ҳайити байрамнинг кенг нишонланиши ҳам ҳаётимизнинг яна бир ажойиб кўни, инсоний фазилатларимизнинг тараннуми, эртанги умидларимизнинг ёруғ зибеси бўлиб қолажак...

Абдували ҚУТБИДИНОВ.

МУРОСАБИЗ БЕЛЛАШУВЛАР, ДАСТАБКИ МЕДАЛЛАР

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI Осиё ўйинлари қизгин давом этмоқда. Нуфузли мусобақада қитъамизнинг қирқ беш мамлакатидан келган ўн минг нафардан зиёд спортчи 42 спорт тури бўйича голиблик учун кураш олиб бормоқда.



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

Бундан икки йил муқаддам Олимпиада ўйинларини юқори савияда уюштирган хитойликлар Осиё ўйинларига ҳам жиддий ҳозирлик қиришди. Жумладан, 19 та спорт мажмуаси ва 53 та спорт майдони қурилди.

Замонавий Олимпиада характерининг «Бирдамлик, тинчлик, дўстлик» анъанаси асосида ўтказилаётган навбатдаги мусобақа ҳам қитъамиздаги давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими ҳам ўзига хос тарзда ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баскетбол бўйича мамлакатимиз чемпиони Нурмат Нуралиев кўтариб ўтди.

Энди XVI Осиё ўйинларида ҳамюртларимизнинг иштироки ҳақида. Терма жамоаси захирасига дастлабки медални ўқ отиш бўйича вакилларимиз тухфа этишди. Мусобақанинг биринчи кўни пневматик миллиқдан 10 метр масофага ўқ отиш бўйича Елена Кузнецова, Яна Фатми ва Сакина Мамедова умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаллари билан тақдирланди.

Ўзбек дзюдо мактабининг жаҳонда ўз ўрни бор. Полволларимиз бу сафар ҳам ўз аъналарига содиқ қолган ҳолда, медалларга асосий даъвогарлик қилишмоқда. +100 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюр-

Айни пайтда юртдошларимиз ҳисобида 4 та кумуш ва 4 та бронза медали бор.

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Қатар футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўланма олди. Ҳамюртларимиз ушбу босқичда Жанубий Корея терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

тимиз, Пекин Олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев тожикистонлик Шавкат Иқбол, Саудия Арабистони дзюдоچиси Рашид Зайдан ва қозғистонлик Ержон Шинкеевни мағлубиятга учратиб, финалга йўланма олди. Аммо шу босқичда Жанубий Кореялик Ван Су Кимга очколар бўйича имкониятни бой бериб, кумуш медал соҳиби бўлди. Шунингдек, дзюдочиларимиздан Шокир Мўминов, Дилшод Чориев ва Мирзохид Фармоҳатлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қизлари эришган натижани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Луиза Галиуллина, Диана Каримжоновна, Дарья Елизарова, Юлия Горева, Асал Сафарбоева ва Ирина Володченкодан иборат жамоамиз яқинда 207,50 балл тўплаб, Хитой ва Япония гимнастикачиларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Шахмат, теннис, велоспорт, эшак ашиш бўйича ҳам спортчиларимиз беллашувларни муваффақиятли давом эттиришмоқда. Афсуски, ҳозирча сузиш, стол тенниси ва ушу спорт турлари бўйича вакилларимиз кўтилган натижаларга эриша олмаптилар.

Айни пайтда юртдошларимиз ҳисобида 4 та кумуш ва 4 та бронза медали бор.

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Қатар футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўланма олди. Ҳамюртларимиз ушбу босқичда Жанубий Корея терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикаимизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳитни ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарори билан ҳафтанинг жума кўни «Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш кўни» («Очқ эшиқлар кўни») деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар ҳамда тадбиркорликка оид барча масалалар юзасидан ҳафтанинг ҳар жума кўни соат 9.00 дан 13.00 гача республикаимиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
(8-371) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04
(ушбу рақамга телефон қилиш республика худудида бепул ва фақат шаҳар телефонларидан амалга оширилиши мумкин).

E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

Micros

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

КРАНЛАР, ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИ, АВТОМОБИЛЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ОФИРЛИГИНИ ЎЛЧАШ УЧУН МЎЛЖАЛАНГАН

Биз дунёни ўлчаймиз!

ТЕНЗОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАР, ТАРОЗИ ТЕРМИНАЛЛАРИ, КАБЕЛЛАР, 1С га МОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИ

Тошкент шаҳрида:
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (998 71) 281 4364, 281 4724, факс 281 4365
- С. Азимов кўчаси, 72 «А». Тел.: (998 71) 236 0449, факс 232 0685
- Тўйтепа кўчаси, 5. Тел.: (998 71) 232 0661, 233 5899, 233 6007
www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz

Маҳсулот сертификатланган ва Ўзбекистонда тан олинган.

<p>сўм/кг</p> <p>КЎМИР БЛК</p> <p>75,0 58,0 45,0 38,0</p> <p>0.11 0.11 10.11 11.11 12.11</p> <p>КЎМИР БЛК 46,9 ▼ -1,6</p>	<p>сўм/лист</p> <p>ШИФЕР (8 волн.)</p> <p>14600 14140 13900</p> <p>0.11 0.11 10.11 11.11 12.11</p> <p>ШИФЕР (1 лист) 14146 ▼ -59</p>	<p>сўм/т</p> <p>ПАХТА ЁҒИ</p> <p>1790,0 1700,0 1690,0</p> <p>0.11 0.11 10.11 11.11 12.11</p> <p>ПАХТА ЁҒИ 1707,2 ▼ -44,9</p>
---	--	--

Халқ сўзи

Народное слово

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

РОССИЙСКИЙ ЛИНОЛЕУМ

тел. 234-48-11 факс 234-49-58

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги соми 18 ноябрь, пайшанба кўни чиқади.

ЧП Potolok-stroy-servis

гипсовые стандартные патолочные плиты Армстронг

600 x 600 мм, 610 x 610 мм. Ассортимент 22 вида.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

UZEX

8383 га қўборинг.

Барча товарлар гуруҳлари бўйича котиловкалар

www.uzex.com

САЙТИДА

Биржа нархлари ҳақида қўпроқ билишни иситанганми?

UZEX сўзини 8383 га қўборинг.

Барча товарлар гуруҳлари бўйича котиловкалар

www.uzex.com

САЙТИДА

Тахриратта келган қўбемалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғиев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[1]-Тижорат материал

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — О. Файезов. Мусаҳҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 23.55 1 2 3 5